



Ўзбекистон
Республикаси
Қурилиш вазирлиги

№ 4274-915f-bb97-6f09-0ea2-0380-7231
Хужжат яратилинган сана: 2020-11-23
Ариза рақами: 24330503

Хужжат берилган: ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "HALAL GOLDEN MEAT"
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 305269389

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Тошкент шаҳар қурилиш
Бош бошқармаси бошлиғи
А.А.Хасанов
23.11.2020 16:05

**АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ
ТОПШИРИҒИ**

23.11.2020 16:05 й.
1726-1726290-6119 -сон

Лойиҳавий бино (иншоот) тури:	«Бино иншоот» биносини «Кўп қаватли турар жой биноси» га ихтисослаштириб реконструкция қилиш.
Лойиҳавий бино (иншоот)нинг манзили:	Яшнобод тумани, «Мохинур» маҳалласи ҳудудидаги, 80А, 80Б, 80В- олдида жойлашган.
Лойиҳавий бино (иншоот)нинг буюртмачиси:	«HALAL GOLDEN MEAT» МЧЖ.

Ушбу архитектура-режалаштириш топшириғи фақат лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш учун ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиб, қурилиш-монтаж ишларини бошлашга асос бўла олмайди. Қурилиш бош бошқармасининг манзили ва телефон рақамлари: Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

#	Архитектура-режалаштириш топшириқларининг қисмлари	Қисмларнинг мазмуни
1	Архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш учун асос бўлган ҳужжатлар	-Тошкент шаҳар Яшнобод тумани қурилиш бўлимининг 2020 йил, 10-ноябрдаги 24293457- сонли РУХСАТНОМА. - Яшнобод тумани Давлат хизматлари марказининг «HALAL GOLDEN MEAT» МЧЖга тегишли 11-ноябрь, 2020-йилдаги 24330503- рақамли электрон буюртмаси.
2	Лойиҳалаштириладиган бино ва иншоот (кейинги ўринларда объект деб аталади) ер участкасининг жойлашиши ва бош режада тутган ўрни	- Объект туманнинг «Мохинур» маҳалласи ҳудудидаги турар жой ва жамоат бинолари мавжуд бўлган ҳудудда жойлашган, ҳамда муҳандислик тармоқлари билан таъминланган.

3	Лойиҳалаштириладиган объект ҳудудининг табиий-иқлим кўрсаткичлари	-Шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган ер майдони IV Б иқлим (климат) ҳудудида жойлашган. Хаво ҳарорати: Ўртача йиллик 25,1° С Баланс ҳарорат 40° С Паст ҳарорат -14° С
4	Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг геологик ва топографик жиҳатдан ўрганилганлиги	- Объектнинг инженерлик ҳолатини ўрганиш учун «О'ЗГАСНКИТИ» давлат унитар корхонасининг Тошкент шаҳар филиалига 1:500 нисбатдаги топохарита ишлаб чиқиш учун буюртма берилиши лозим. - Ер майдонининг чегаралари 1:2000 нисбатдаги топохаритада тахминий кўрсатилган бўлиб, «Био иншоот» биносини «Кўп қаватли турар жой биноси» га ихтисослаштириб реконструкция қилиш ишлари «О'ЗГАСНКИТИ» Давлат унитар корхонаси томонидан бажарилган геологик (геодезик) изланишлар ва 1:500 нисбатдаги топохарита ва инженер геологик хулосаларга асосан олиб борилсин, ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқувчи ташкилот ва туман бош архитектори томонидан чегараларига аниқлик киритилсин.
5	Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг чегаралари ҳамда унга туташ объектлар ёки ер участкалари тўғрисида маълумот	- Объект туманнинг “Мохинур” маҳалласи ҳудудидаги турар-жой ва жамоат бинолари мавжуд бўлган ҳудудда жойлашган.
6	«Қизил чизиклар ва белгилар»	- Объектни қайта ихтисослаштириб, реконструкция қилиш бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида мавжуд био иншоотнинг белгиланган чегарасидан чиқмасдан, ҳамда кўчанинг қизил ва қурилиш чизикларига эътибор берилган ҳолда, лойиҳа ишлари амалга оширилсин.

7	Архитектура талаблари	«Бино иншоот» биносини «Кўп қаватли турар жой биноси» га ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ШНК 2.07.01-03 ва ШНК 2.08.01-05 шаҳарсозлик ва турар-жой нормалари ва қоидаларидаги шартлари бажарилсин. - Лойҳалаш жараҳида объектни, ён атрофида қурилган ва қурилиши мўлжалланган биноларга боғланган ҳолда ягона архитектура кўринишини (ансамблини) ташкил этиш инобатга олинсин. - Лойиҳа ишларини бошлашдан аввал тегишли лицензияга эга бўлган лойиҳа ташкилотининг мавжуд бинони ҳозирги ҳолатини (конструкцияларнинг чидамлилиқ ҳолати) акс эттирувчи ҳулосаси олинсини шарт. - Лойиҳалаштирилаётган объект жамоат ва турар-жой бинолари ёнида жойлашганлиги сабабли, мавжуд бинолардан экология, санитария ва ёнғиндан сақлаш нормалари асосида оралиқ сақлансин. - Кўп қаватли турар жой биносининг таркиби ва таъмин қилиш қувватини ҳисоб-китоб қилишда, турар-жой биносини неча қават бўлишини, турар-жой ва хонадонларни турини танлашда аҳолини ижтимоий-демографик ва этник хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. - Кўп қаватли турар жой биносининг лойиҳа ишлари «Ёнғиндан сақлаш» тадбирлари асосида олиб борилсин. - Автомашиналарни ҳудудига кириши ва чиқишлари йўл ҳаракати хавфсизлиги нормалари асосида лойиҳалаштирилсин. - Лойиҳалаштирилаётган «Кўп қаватли турар жой» биносининг таркиби, ҳудудидида жойлашуви ва хажми лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида тасдиқланган ва келишилган «Лойиҳа топшириқлари» асосида белгилансин. - Лойиҳа ҳужжатларида ташқи кузатув воситаларини жойлаштириш лозим. -Лойиҳа ташкилоти, Архитектура Режалаштириш Топшириқларига, буюртмачи томонидан тасдиқланган ва қурилиш Бош бошқармаси томонидан келишилган «Лойиҳа топшириқларига» ҳамда 1:500 нисбатдаги топохаритадаги тасдиқланган чегараларига амал қилинсин. -Объектнинг бош режасини лойиҳалашда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан, «Бино иншоот» биносини «Кўп қаватли турар жой биноси» сифатида ихтисослаштириб, реконструкция қилинаётган бино туширилган (жойлаштирилган) ҳамда объект атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, болалар майдончаси, қариялар дам олиш жойлари акс эттирилган, автомобил тўхташ жойлари ташкил этилган 1:500 нисбатдаги бош плани ишлаб чиқилсин.
8	Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасида мавжуд бино ва иншоотларни бузиш ёки фойдаланиш бўйича таклифлар	- Ўзларига тегишли ер майдони ҳудудидида бузиладиган бино ва иншоотлар лойиҳалаштириш жараёнида аниқлансин.
9	Объектни босқичма-босқич қуриш	-Шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқиш икки босқичдан, ихтисослаштириш ва реконструкция ишлари бир босқичдан иборат.

10	Ер майдонини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш	-Лойиҳа ҳужжатларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш қисмида объект атрофида игна баргли, манзарали дарахтлар ва мавсумий кўркамлик даражаси бор бўлган кўчат ва гуллар ўтказилиши инobatга олинсин. - Кўкаламзорлаштириш ҳудудларини кўк чимлар билан қоплашга, ландшафт архитектурасига эътибор берган ҳолда экилган дарахтларга шакл берилсин. -Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил, 30-ноябр-даги «2030 йилгача Ўзбекистон атроф муҳитни сақлаш концепцияси»га асосан, ҳамда Мараторийдан келиб чиқиб кўп йиллик дарахтлар сақлаб қолиниши шарт.
11	Санитария-гигиена талаблари	-Санитария гигиена талаблари (ШНК) 2.07.01-03 шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳамда(СҚ ва М) 0350-17. (СанП иН) асосан лойиҳалаштирилсин.
12	Ёнғиндан сақланиш талаблари	-Ёнғиндан сақланиш талаблари (ШНК) 2.02.01-04 шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига асосан лойиҳалаштирилсин.
13	Экология талаблари	-Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунига, асосан барча экологик меъёрларга амал қилиш инobatга олинсин ҳамда санитария гигиена талабларига жавоб берадиган қурилиш молларидан фойдаланилсин.
14	Лойиҳани келишиш	- Шаҳарсозлик ҳужжатларини, лойиҳалаш ташкилоти томонидан, Бош бошқарма қошидаги «Архитектура ва шаҳарсозлик кенгашига» ўрнатилган қуйидаги тартибда тақдим этилиши керак. - Объект жойлашган ҳудуднинг чегаралари ва қизил чизиқлари туширилган 1:500 нисбатдаги топохарида ҳудуднинг бош режаси. -Бинологнинг тарз ва ён кўринишлари. -Бинологнинг тарҳи, қирқимлари ва хоналар экспликацияси. -Объектнинг ҳолати ва мавжуд бино ва иншоотлар билан боғлиқлиги (развёртка фасадов) ва фотосуратлар. -Перспектива - Лойиҳа ҳужжатлари «Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши»нинг ижобий ҳулосасидан сўнг, экспертиза бошқармасига тақдим этилсин.
15	Қўшимча талаблар	- Шаҳарсозлик ҳужжатларини белгиланган тартибда «Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши»нинг тавсияномаси ва экспертиза ҳулосаси бўйича кўрсатилган камчиликларни бартараф этади. - Қурилиш-монтаж ишларини бошлашдан аввал Тошкент шаҳар қурилиш соҳасидаги назорат инспекциясидан реконструкция (қурилиш-монтаж) ишларини ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказиш шарт. - Реконструкция ишлари тугагандан сўнг, ҳудуднинг ижро топотасвирини бажариб, «O'ZGASHKLITI» давлат унитар корхонасининг Тошкент шаҳар филиалига топширилади. - Шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқиш жараёнида қурилиш меъёрлари ва қоидалари шу билан бирга, зилзилага бардошлик, ҳамда ШНК 2.07.01-03 шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талаблари инobatга олинсин. - Лойиҳа ҳужжатлари таркибида шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчи ташкилотнинг лойиҳа ишларини бажариш учун берилган лицензияси бўлиши лозим.

Муҳандислик тармоқларига уланиш шартлари:

16	Ичимлик сув тармоғи	Талаб этилмаган.
17	Оқава сув тармоғи (канализация)	Талаб этилмаган.

18	Электр тармоғи	Талаб этилмаган.
19	Газ тармоғи	Талаб этилмаган.
20	Телефон алоқа тармоғи	Талаб этилмаган.
21	Иссиқлик ва иссиқ сув тармоғи	Талаб этилмаган.
22	Дренаж тармоғи	Талаб этилмаган.
23	Объектни муҳандислик тармоқларига уланиш бўйича буюртмачига ва лойиҳа ташкилотига қўйилаётган талаблар	Талаб этилмаган.
24	Қўшимча талаблар	Талаб этилмаган.
25	Архитектура режалаштириш топшириғининг амал қилиш муддати	- Мазкур Архитектура Режалаштириш Топшириқларига амал қилиш муддати объект фойдаланишга топширилгунга қадар этиб белгиланади.



ТАЪРИФНОМА

1. «HALAL GOLDEN MEAT» МЧЖ.га Яшнобод тумани, “Мохинур” маҳалласи ҳудудидаги, 80А, 80Б, 80В- олдида жойлашган «Бино иншоот» биносини «Кўп қаватли турар жой биноси» га ихтисослаштириб реконструкция қилиш бўйича лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш учун I-индекс орқали кўрсатилган жой.
2. Кўп қаватли турар - жойлар.
3. Сувсоз трестига тегишли иншоот.
4. Офис ва савдо маиший объекти.
5. Маҳалла маркази мажмуаси.
6. Мактабгача таълим муассасаси ҳудуди.
7. Ўрта таълим мактаб ҳудуди.

АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ ТОПШИРИҒИНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ:

Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўлими раҳбари:	Т.Э.Ибрагимов
Архитектура-режалаштириш топшириғини тайёрлаган мутахассис:	Ш.Ш.Курбанов

XASANOV ABDUSATTAR ABDUSAMATOVICH

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун gero.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

4264

